





# ЧИНАКАМ ОШКОРАЛИК ВА ДЕМОКРАТИЯ РУҲИДА

## Ўтган якшанба куни Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловларда вилоятимиз меҳнаткашлари энг муносиб номзодлар учун овоз бердилар

**1999 йилнинг 5 декабри мамлакатимиз солиҳонаси саҳифаларидан муносиб ўрин олажликги шубҳасиз. Бу куни она-диримиз — Ўзбекистонда жуда катта сиёсий, иқтисодий, халқаро аҳамиятга молик бўлган жараён — Олий Мажлис ҳамда вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Бир неча ой мобайнида навбатдаги умумхалқ овоз беришлари қай йўналишда кечаркин, деган савол муаллақ турди.**

«Амалга оширилаётган ислохотларимизнинг талабаси учун!», «Маънавият, маориф равнақи учун!», «Фарзандларимизнинг бахтиёр келажаги учун!», «Бугун сайланадиган депутатларимизнинг бўлғуси муваффақиятлари учун!» Уша онларда бундай қалима-лар мазмунда ўтмишимиз, ҳозиримиз, истиқболимиз яққол акс этгандек бўлди. Шундай қилиб, бўлиб ўтган сайловлар аввалгиларидан қай жиҳатлари билан фарқ қилди, унинг янги қирралари — ўзига хос томонлари нималардан

кинликларини поймол қилиш, ҳақ-ҳуқуқларини назар-писанд этмаслик, оиладан «буш вақил» юбар-риш, хайбаракалчилик, кўтарасига бюллетен ташлашларга барҳам берилди. Шу тарихи одамлар ўз овози давлат ва жамият тараққиёти учун, миллатимиз ва халқимиз келажаги учун қанчалик аҳамиятли эканлигини, сайловчи сифатида ўз зиммасида катта масъулият турганлигини англаб етдилар. Шу боис улар бу сафар ўз қалбига, хо-хиш-иродасига, йимон-эътиқодига суяниб, онгли равишда овоз бердилар.

# АДОЛАТ, ЭРКИНЛИК, ЖИПСЛИК НАМОЙИШИ

**НУРЛИ келажак сари ривожланиш йўлидаги бош мақсадни ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишда деб билган мамлакатимиз кишилари шу йил 5 декабрь куни катта иқтисодий-сиёсий воқеанинг гувоҳи бўлдилар. Республика Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларга сайловларнинг дилларга эжиб илиқлик ҳамда жўшқинлик бахш этган мустақиллик ҳақидаги йиллари ичида тафаккурда катта ўзгаришлар рўй берганлиги, Бош қомусимизда ўз ифодасини толган юксак қояларга сардоқатнинг тўла намойишига айланди.**

Аввалгиларидан фарқи равишда, номзодларнинг қуруқ ваъдалари, дабдабозликлардан, сунъий хашамлар, юзак байрамона кўринишлардан холи бир тарзда, фуқароларнинг эртанги тақдирларини ўйлаб, юрт истиқболли, халқ фаровонлигини кўзлаб бошлаган бу сайловлар дастлабки соатлардаёқ меҳнаткашларнинг фаоллигидан, жойлардаги сайлов округлари, сайлов участкаларида муҳим кампания пухта ҳозирлик қўрилганлигидан дарак берди.

Хусусан, вилоятда соат 9.30да 28,6, фойз, 11.30да эса 54,9 фойз сайловчилар танлаган номзодларига овоз берганликлари бунинг ёрқин мисолидир. Сайловларга ҳозирлик жараёнида ташкилий ишлари талаб даражасида амалга оширган, омма орасида қонулар тарбиютини кенг йўлга қўйган, 21 — «Бўстон», 27 — «Ўзғарим», 28 — «Ўқурғон», 38 — «Кўёш» 43 — «Келес», 47 — «Истиклол» сайлов округларида уюшқоқлик янада аққорлоқ қўзга ташланди.

Мен ҳеч қачон сайловчиларни эрта тонгданок бунчалик гавжум ҳолда сайлов участкаларига келганларини кўрмаган эдим, — дейди республика Олий Мажлисида сайлов ўтказувчи 168 — Қўрай сайлов округининг округ сайлов комиссияси раиси Шохид Бобоқалонова. —

Мажмуи 36та сайлов участкасининг қайси бирини айланмай, сайловчиларнинг яқдиллик билан овоз бераётганликлари кўриб, ўзимда йўқ қувондим. Округимизда бу йил ўн саккиз ёшли 261 нафар ўғил-қизлар биринчи бор сайловларда қатнашдилар. 640/148-сайлов участкасида улардан бири Севара Сатторова билан сўхбатлашиб қолдим. «Мен юртимиз тинчлиги, Ватанимиз равнақи, ёшларнинг бахтли яшашлари учун овоз бердим» — Бахтли яшаш учун, эса, биз яхши ўқиймиз, фидокорона меҳнат қилишимиз, мустақил мамлакатимиз, Президентимиз ардоғига муносиб фарзандлар бўлишимиз керак» — деди у. Ёшларимиз дунёқарашидagi бундай ўзгаришлардан кўнглим ифтихорга тўлди.

— Ростдан ҳам бу сайловларда ёшларнинг фаоллиги ҳар қачонгидан ҳам аниқ сезилди, — дея сўхбатга қўшилди халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи Ангрендаги 4-Шифокор сайлов округи раиси ўринбосари Олимжон Рўзиёв. — Бунинг ардоғидаги Ангрен шаҳар тиббиёт билим юртида жойлашган 30-сайлов участкаси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Участкадаги сайловчиларнинг деярли ярми ёшлар. Улар эрта тонгданок сайлов қўтилари томон шо-

шилдилар. 13.30гача йигит-қизлар номзодларга тўла овоз бериб бўлдилар. Дарҳақиқат, эртанги кун ворислари иқтисодий-сиёсий ҳаётимизда ўзларининг муносиб ўринларини эгалламоқдалар. Сайловларга тайёргарлик мобайнида мазкур участка ҳудудига яшовчи йигит-қизларнинг қонуларни ўрганишдаги кўнглири, билим юртида ўтказилган сайловларга оид сўхбатлардаги фаол қатнашувлари, уюшқоқликларини алоҳида таъкидлаш керак.

Паркентдаги 38 — «Кўёш» сайлов округининг раиси Обиджон Ҳамидов сайловчилар ҳақида гапирар экан, улар бу галги сайловларнинг моҳиятини, хусусиятини чуқур англаб етганликлари ҳақида тўхталди.

— Албатта, бунга эришиш ўз-ўзидан бўлган йўқ, — деди у. — Биз вилоятдан, туман ҳуқуқий идораларидан мутахассисларни тақлиф қилиб, сайловчилар билан бир неча бор мулоқотлар ташкил этдик. Бу бехуда кетмади. Илгарилари сайлов қўтисига бир оиладан чиққан «вақил» хонадон аъзоларининг бир даста бюллетенларини ташлаган пайтлар кўп бўлган. Лекин бу сафарги сайловларда фуқароларнинг сайлов участкаларига паспортлари билан келганликлари, ҳам қим ўзи учун овоз берганлиги оlib борилган тушунтиришлар самарасидир.

Одиллик, ҳалоллик, қонунийлик мазкур сайловларнинг мезони бўлди. Паркент туманидаги 39 — «Гулистон» сайлов округидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига овоз бериш учун 27 минг 129 нафар сайловчи рўйхатга олинган эди. Сайловларда 26 минг 118 нафар киши қатнашди. Шундан 25 минг 674 нафари овоз беришда иштирок этган деб топилди. 858та бюллетен эса ҳақиқий эмас деб ҳисобланди.

Бу мисол сайлов участкаларида сайлов комиссияларининг одилона ишлаганликлари, сайловларга қонун асосида холис муносабатда бўлганликларини кўрсатадиган ёрқин далилдир. Кун давомида сайловчиларнинг уюшқоқликлари ортиб бораверди. Соат 19.30да вилоят сайлов комиссияси вилоятдаги сайловчиларнинг 90,9 фойзи овоз бериб бўлганлиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлди.

— Сайловларнинг сайлов тўғрисидаги қонунга, шунииндек, демократияга мос тарзда, муқобилларнинг ўзаро муносабатларда самими-яти, бир-бирларига бўлган ҳурмати билан ўтганлиги катта ютуқ, — деди вилоят сайлов комиссияси раиси Фаррух Мирзаахмедов биз билан сўхбатда. — Бу мустақил республикада адолат чўчур илдиз отиб бораётганлигининг ёрқин тимсолидир.

Сайловлар кўннида қўлаб фуқаролар — кексалар, биринчи бор овоз бераётган ёшлар билан ҳам мулоқотда бўлди. Мазкур сайловлардаги ошқоралик, номзодларга яратиб берилган тенглик, қонун талабларига мувофиқ ташкил этилган тадбирлар уларнинг кўнглиридан жой олганлигини аниқ ҳис этдик. Сайловчилар вилоят, шаҳар, туман, округ сайлов участкалари сайлов комиссияларидан истаган саволларига жавоб олганликларидан ҳурсанд эканликларини алоҳида таъкидладилар.

Фуқароларнинг депутатларга бўлган ҳурмати, улар сайлаган вакилларнинг мамлакатимизнинг эртанги истиқболли, ҳар бир инсоннинг бахт-саодатини кўзлаб қонулар ишлаб чиқишларига бўлган юксак ишончи бизни беҳад қувонтирди.

Саидвали ҲАСАНОВ. «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

# ТАРИХИЙ ВОҚЕА ДЕСАК АРСИДИ

иборат бўлди, деган саволларга жавоб тариқасида шуни айтиш жоизки, бу галги сайловлар моҳиятан аввалгиларига мутлақо ўхшамади. Биринчи таъкид шунки, дабдабозлик, широкбозлик, сохта ваъдабозликлардан холи кетди.

Иккинчидан, у демократик асосда ўтди. Сайловчиларнинг 4-5-6 номзоддан биттасини танлашларига тўғри келди. Овоз олиш фозилари ҳам турли рақамларни ташкил этди. Айрим округларда сайловнинг иккинчи босқичи ўтказилажликги ана шу ҳолатнинг инъикосига айланди.

Учинчидан, бу галги сайловлар фуқароларимиз дунёқарашининг кенг миқёсда ўзгаришларини, улар тафаккурининг, мушоҳада қобилиятларининг юксак даражада ўсганлигини исботлади. Номзод ким, унинг амалий дастури қандай, у қандай инсон, ишчанлик салоҳияти қанча, жамият ривожига ҳисса қўша оладими, йўқми? Хуфқирликлик одамларимизнинг бу саволларига аниқ-тинч жавоблар топиб берди. Айтиш мумкинки, фуқароларимиз танлашни ҳам, сайлашни ҳам бийонидек ўрганиб олдилар. Шу маънода бу галги сайловлар ҳаммага сабоқ вази-расини ўтди.

Туртинчидан, сайлашнинг эски «услуб»ларидан мутлақо воз кечилди. Сайлов тақдирларига давлат миқёсида онгли равишда ёндошилди. Ўтган даврлардаги каби сайловчиларни мажбурлаш, улар эр-

депутатлар сайлаш йўли билан эришилади ва шу алфозда халқ билан давлат ўртасида ҳамкорлик кўприги ўрнатилди.

Олтинчидан, бу галги сайловлар мамлакатимиз яқин келажаги ривожига бевоқифа ва билвоқифа дахлдор жараёнга айланди. Ўзбекистондаги иқтисодий-сиёсий барқарорлик, миллатлараро то-тувлик, нафақат республикамиз, балки, Марказий Осиё минтақасидаги тинчликнинг, ҳарфиз-ликнинг қаролиги эканлиги яна бир қарра намоиши этилди. Шунинг учун ҳам бўлиб ўтган сайловларда қатнашши ва уларнинг боришини назорат қилиш учун республикамизга 15 давлатдан ва 7та халқаро ташкилотдан кузатувчилар келди-лар. Улар сайловларнинг ошқоралик, демократик тамойиллар асосида ўтганлигининг гувоҳи бўлди-лар.

Муҳтасар фикр шунки, навбатдаги сайловларни чинакам тарихий воқеа, деб аташар арзийди. Бир неча кундан сўнг сайловларнинг дастлабки нати-жалари эълон қилинади. Ният битта: эндиги депу-тат эл фаровонлигига ҳисса қўшуви, ислохот-лар, иқтисодиёт, халқ ҳўхалигига янги-янги йўна-лишлар бахш этувчи, халқнинг долзарб оҳтиёж-ларини биринчилар қаторида дарҳол англовчи, мафқуравий ва маънавий юксалишда жонқуяр, ҳу-қуқ-тартибот, эл осойишталиги ва фаровонлиги-нинг барқарор бўлишини таъминлашда фаол ҳам-да ташаббускор бўлсин!


# КОНЧИЛАР ХОҲИШ-ИРОДАСИ

**Бир гуруҳ бандитлар тўдасининг Тошкент вилоятининг Янгиобод аҳоли пункти ҳудудига жиноятқорона бостириб кириб, халқ тинчлиги ва осойишталигига раҳна солмоқчи бўлгани юртдошларимизнинг ёнида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ички ишлар идоралари, мудофаа қўшинлари, кенг жамоатчилик вакилларининг саъй-ҳаракати натижасида ёвуз жангарилар топилди ва йўқ қилиб ташланди.**

Бугунги кунда кончилар шаҳрида ҳаёт ўз маромида давом этмоқда. Барча аҳоли юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, улкан бунёдкорлик ишлари ва турмуш фаровонлигини юртбошимиз номи билан боғламоқда.

Шу муносабат билан бу ерда мамлакат Президентлиги сайловида Ислам Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишлаган митингга ана шу ҳақда гап борди. Митинг қатнашчилари сайловчиларни 2000 йил 9 январь куни буладиган сайловда фаол иштирок этиб, Ислам Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

Кимёгарлар шаҳри Чирчиқда ҳам мамлакат Президент сайловида Ислам Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган митинг бўлиб ўтди. **Неъмат ДУШАЕВ, ЎАА муҳбири.**



# ЮЗ Ёшли БОБО ҚУЗУРИДА

**Бўстонлик туманидаги 23-«Искандар» сайлов округи раиси Абдурашул Ҳолматовни хурсанд қайғида учратдик. Вақт туш пайтига яқинлашиб қолганига қарамай у сайлов жараёнининг боришидан мамнун эканлигини яширмади.**

— Бизнинг округимиз, — деди у, — катта округлардан биридир. У Озодбоб, Парғос, Соилқ, Қондайлик, Эски Фазалент қишлоқларини, Тоқвоқсой, Искандар қўғонларини ўз ичига олади. Жами сайловчиларимиз 23 минг 728 нафардан иборат. Ҳозиргина хотирада қоландиган воқеа рўй берди. Ногирон, ожиз, ёши улуг сайловчиларимиз асосий эътиборда турган эдилар.

Ана шундай кишилар хонадонига ташриф бурган битта тўғримиш ҳозиргина юз ёшга кирган Самғ бобо Юсуловнинг уларидан қайтиб келдилар. Йигит-қизларининг бобонинг кўз-ёш-лари билан гапирган гапларини айтиб беришди. Жумладан, у киши шундай дебдилар: «Мен ўзоқ йиллик ҳаётимда турли хил сайловларни кўрганман. Оқлошмо даврларидан номигагина сайловлар буларди. Қим сайловда қатнашадим, қим қатнашмайдим, ҳеч қачоннинг иши йўқ эди. Шўролар даврида овоз беришга бормасак, баллоқ қолар-дик. Турли хил идораларга қақириб, сен давлат-га қаршимсан, деб жонимизни олгудек бўли-шарди.

Аллоҳга шўқрим, мана энди чинакам сайлов нималигини билиб турибман. Биздай гарибу гу-рғаболар ҳам эътибордан четда қолмаганлиги мен-нинг қалбимни тоғдиди. «Қўтарди».

— Қўлини чанга қўлади округ комиссияси раиси, — биринчи марта овоз бераётган йигит-қизларимиз. Гапга кулоқ солиб тур-ган Зилола Фаттохова, Истам Дўсимбетов, Мак-сим Гренкларин асп тенгдоши Самғ бобо Юсу-лов дуоларига астойдил қўйлашқачиларини из-хор қилдилар. **Абдурахим УМАРБЕКОВ.**

# ТИНЧ ҲАЁТ, ФАРОВОН ТУРМУШ УЧУН

**Бу йил минглаб сайлов участкаларида ху-роқ қичқирмасиданоқ қарнай-сурнай ноғор-лар қулоқни қоматга келтириб, сайловчилар-ни овоз беришга чорламади. Уларнинг ўзлари эрта тонгдан хуш қайфият, аниқ мақсад билан ўз хоҳиш-иродаларини, фуқаролик бурчлари ва ҳуқуқларини тўла намойиш этиш учун сайлов участкаларига гурас-гурас кела бошладилар.**

ДАРҲАҚИҚАТ, мамлака-тимизда мустақиллик шаба-далари эсиб, демократик тамойиллар ҳаётимизнинг ҳар бир жаҳзасида буй кўр-аата бошлаганидан буюн сайловлар ҳам ўзгача рух, ўзгача мазмун касб эта бош-лади. Аввало, республикада фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари, сайловларга тайёргарлик ку-риш ва уни ўтказиш тартиб-қондалари қонулар билан мустақамланб қўйилганидан сўнг сайловларга муно-сабатларда кескин ижобий ўзгаришлар ўз берди. Олий Мажлисдан тортиб энг қўйи маҳаллий кенгашларгача номзод кўрсатиш, сайловол-ди учрашувлари чоғида улардан энг муносибларини тўғри танлай билиш ва овоз беришда қарор топа бош-

вон турмуш учун қиммат ишо-ни билан овоз берганликлар-ининг гувоҳи бўлдиқ. Соат миллари хали олтига эқин-лашмаган бўлсада, сайлов участкасининг ховлиси одам-лар билан гавжум бўлиб кет-ди. Шуниси диққатга сазо-ворки, сайловхона остонаси-ни 75 йил умргузартлик қил-ган Ҳикматилла Ота Лут-фуллаев биринчи бўлиб бо-сқич ўтдилар. Участка сайлов

лаган тартиблар бундан буюн Ўзбекистонда ҳам ҳар бир сайлов ривожланган маъри-

фатли мамлакатлардаги ка-би халқаро ҳуқуқ нормалари ва демократик талаблар да-ражасида ўтажигача қатъий ишонч уйғотмоқда. Айниқса, сайловчиларнинг фаоллиги ва талабчанлиги кескин ош-ганлиги ана шундай хулоса чиқариш учун асос бўла ола-ди.

Биз халқ депутатлари ви-лоят кенгашига сайлов ўт-казуви 27-Ўзғарим сайлов ок-ругига қарашли 16-сайлов участкасида фуқароларнинг ўзлари танлаган номзодлар-ининг салоҳияти, бундан буюнги тинч ҳаёт ва фаро-

## Сурат-репортаж

комиссияси раиси Марҳамат Муталова табаруқ отахонни илиқ қўлиб олиб, биринчи бўлиб овоз бераётганликлар-и билан салмиғий табрик-лади. Бундай илтифотдан янада турланган Ҳикматилла ота дуога қўл очдилар.

— Яратганинг ўзига беа-дад ҳамду санолар бўлсин, шундай эркин, ёруғ, тинч ва осойишта кунларга етишни насиб этди. Йлоҳ, мўмин мусулмон, меҳнатка-ш заҳматхаш халқимизнинг бахтига юртимиз, тақдирлар-ини омон бўлишсин, тақдир-имизни ишониб овоз бераёт-

# САЙЛОВЛАР — ХАЛҚАРО ҚУЗАТУВЧИЛАР НИГОҲИДА

**Ўзбекистон Республикаси Мар-казий сайлов комиссияси Олий Мажлисига сайловда қузатувчи си-фатида иштирок этган хоржий давлатлар ҳамда халқаро ташки-латларнинг вакиллари билан учра-шув бўлиб ўтди. Унда Марказий сайлов комиссияси раиси Назмид-дин Қомиллов Ўзбекистон халқининг иқтисодий-сиёсий, маданий ва иқти-содий ҳаётининг муҳим воқеа — сайловлар жараёнида қузатувчи си-фатида иштирок этаётган барча ме-ҳмонларга миннатдорлик билдирди.**

Халқаро қузатувчилар Ўзбекистон-даги парламент сайлови умумжаҳон меъёрий ҳужжатларига мос равишда ҳаққоний ўтганлигини, унда ҳар бир фуқаро ўз хоҳиш-иродасига биноан эркин ва қонуний овоз берганлигини эътибор этди. Улар жойлардаги сай-лов округ ва участка комиссиялари-да бўлиб, сайловчиларнинг номзодлар-ига эркин, холис ва қонуний овоз бери-ларини қузатиш билан бирга, Ўзе-бекистон халқининг нақадар андишли-га, ошжанга ва самимий халқ эканли-гига яна бир бор ишонч ҳосил қил-ганликларини алоҳида қайд этдилар. Уларнинг ақсарияти мамлакат Прези-дентлигига бўлажак сайловда ҳам қу-затувчи сифатида иштирок этиш и-

стиқини маълум қилди. Учрашудан сўнг халқаро қузатувчи-лар ЎАА муҳбирига интервью берди:

**Эдвард СКАКУНОВ (Россия):** — Назаримда, сайлов жараёнида ўз-бек халқининг бирликка, тинч-товушлик-ка, ватанпарварликка интилиши яққол сезилиб турди. Сайловда бешта сиё-сий партия, маҳаллий ҳокимият вакил-лик органлари ва мустақил номзодлар фаол кураш олиб борган бўлишига қара-май, айрим давлатлардаги сингари бир-бирини қамситиш, ёрга уриш ор-қали максалда интилиш ҳолатлари қу-затилмади. Аксинча, Ўзлар ҳуркат ва қадр-қиммат, бир сўз билан айтганда, умуминсоний фазилатлар қўзга ташла-ниб турди. Бу ҳақиқий демократиянинг амалдаги қўрнинишдир.

**Нобил АЛЛАХОНОВ (Фаластин):** — Мен сайлов жараёнини Самарқан-да қузатдим. Мен ўзбек халқининг пи-қиллигини, миллат, Ватан олдидики Бур-чи адо этишда ориентация устун қўй-ишига қўйил қолдим. Сайлов юксак са-вияда ўтганлигининг боиси ҳам мана шунда: Сайловчилар худди катта байрамга олангандек хурсандлик бил-лан сайлов участкаларига келди. Қария-лар, ёшлар ва аёллар ўзларининг ном-зодлари учун овоз берди. Бу юрда ҳеч қим умуммиллат ишига бефарқ қара-мас экан. **(ЎАА).**

Мархабо, шахрур-рамазон!

РЎЗА — АҲЛИ ИСЛОМ ФАРЗИДИР

РАМАЗОН ойида рўза тутмоқлик ислом динининг асосий рухларидан биридир. Ҳар йили ушбу санани мўмин-мусулмонлар алоҳида интизорлик билан кутадилар. Уттиз кун тоатибодат ила рўза амалларига риоя этиб, энг қатта савобларга мушарраф бўлиш учун сайй-ҳаракат қиладилар. Мазкур муборак айём арафасида Бўстонлик туманидаги Имоми Аъзам Ханасий жоме-масжидининг имом-хатиби Фуломназир УМАРОВ билан мулоқотда бўлдик.

— Ассалому алайкум, ҳазрат. Рўза ойининг келганлиги билан сизни ва қавмларингизни табриклашга ижозат бергайсиз.

— Ташаккур. Рамазон сўзи нимани аниқлатади, тушунтириб берсангиз?

— Маъқул гап. Чиндан ҳам кўпчилик бу калимани умумий тарзда тушунадилар... Авваломбор, бу сўзни таржима тарихидада ўтириш қийин. Аслида у ўн икки ойнинг арабий номларидан биридир. Лекин, ривоят қилинишича, машоайхлар бу сўзга шарҳ-қасира берганлар. Рамадон (бизнинг шевамазда рамазон)... Ҳисобланг, етти ҳарф. Аллоҳнинг фариқи, «Р» ҳарфи — «Риозлик», «А» ҳарфи — «Аллоҳ», «М» ҳарфи — «Муҳаммад», кейинги «А» — «Адина» (яқинлик), «Д» — «Дамир» (виждон), «О» — «Офия» (сиҳат-саломатлик), «Н» — «Нажот» (муваффақиятлар) маъноларини аниқлар экан.

исмга ишора. Энди яна «А» ҳарфига келамиз. «Хуш, рўза кимларга фарз этилди. Куръонил-Каримдаги «Бақара» сурасининг 183-184 оятларини эслайлик. Унда Аллоҳ ўзига яқин деб ҳисоблаган комил инсонларга ҳитобан «Эй, мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилинган қабил сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутуш фарз қилинди... У саноқли кунлар рамазон ойидирки, бу ойда одамлар учун ҳидоят бўлиб, ҳидоят ва фуқронинг очиқ оғлири бўлиб, Куръон ноил қилинган. Бас, сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин». Бандларим, (эй, Муҳаммад) Биздан мен ҳақимда сўрасалар, мен уларга яқинман...» дейди.

Давом этамиз. Зеро, «Дамир» — виждонни аниқлар экан, рўза тутмоқлик инсоннинг буткул ймониға, этикига, тоати-бодатига, қисқаси, виждонига, ор-номусига, нуфусига боғлиқдир. Зотан, виждон бўлмаса чинакам инсон ҳам йўқдир. Юқоридagi солиҳ амалларни қаттиқ ушлаган зотлар эса, албатта, «Офия» — мустаҳкам сиҳат-саломатликка, иншооллоҳ, нойил бўлувсидир. Чунки, рўзада аҳли мўминлар ҳам жисмонан, ҳам руҳан покчиликка ва куч-қувватга эришади. Юқоридagiлардан эса хулосаи мулқак — бани-башарнинг ҳар бир мусулман ва мусулмаи аъзоси учун зарур бўлган «Нажот» (муваффақиятлар) деган яқиний мантқиқ келиб чиқди.

— Раҳмат! Ҳозирги шарҳингиздаги ишонатлар ушбу кутлуғ кунларда ҳар биримизга бекума қўст насиб айласин.

— Валлоҳу аълам, биз ҳам шундай дуода қоламиз. Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳи! Сухбатдош Раҳимберди УМАРОВ.

РЎЗА ТУТИШ (ОФИЗ ЕПИШ) ДУОСИ

Навайтун аи асума савма шахра ромазон минал фажири минал мағриби, холисан аллаҳи таъала. Аллоҳу акбар.

ИФТОРЛИК (ОФИЗ ОЧИШ) НИЯТИ

Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва баъаика таваккалту ва ала ризқика афтарту, фағфиран йа Гоғфирин ма қодимту ва ма ахирату.

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИ ТАҚВИМИ (1999 — 2000)

Table with 5 columns: Rўza kunlari, December - January, Hafta kunlari, Саҳарлик, Ифторлик. It lists the days of the month and corresponding prayer times for each day of the week.

1945 йилнинг июни эди. Биз кўчиб борган жой эски Тошкент яқинидаги қишлоқ бўлиб, ерлик халқи «Тиллаобод» дейишаркан. Қишлоқ халққа ёққан раис Тилла ота Умрзиев номиди эди. Давлат томонидан эмас, халқнинг ўзи шундай атаб юришидан ажабланардик.

«ТИЛЛАОБОД» МЕН УЧУН АЗИЗ

алиқ олиб, — тағига тўқилиб кетди. Урик сероб. Майский шафтолларни ю аранг тутатдик. Кечилари кўп. Пишган шафтоли, олма, ноклар ҳам бор. Еганча явонирлар. Териб уйинларга олиб боришар.

— Бог қайси раис вақтида яратилган, билмайсанми? — сўрадилар дадам.

— Тилла раис бўлгандан буён... Амад ота исми боғдонни бошлаб келиб, уқули қолхоз аъзолари билан бош-қош бўлиб эктирган. Урушдан ўн йилча олдин. Уша йил шу қолхоз ташкил топган. Одамлар ертўла уйларида яшарди. Уруш пайтида Тилланинг боғи кўчиб-қўриган юрганнинг жонига ортқирган. Ҳамон кунимизга яраятди.

Букур чол бироз жимиб қолди. Белбоғига кистриқлик чиройли, кип-қизил, кокили бор носковидан нос отиб, яна белбоғига кистриқ қўйди. Сўнг, чучук тилда: «Омон бўлмас хали кўн нарсаларни кўрагим. Елғизлик елғизликда, биродир», — деб биз болаларга рази солиб кўзалардан тирқираб ёш чиқиб кетди. Дастрўмоли билан қатди.

Букур чол оғир-оғир хўрсинарди. Дарди бизнигидан ҳам баттар экан. Ҳасрат-надоматидан билишимизча, ўзи елғиз яшаркан. Боғ ичидаги пастакки-

на ертўла чайласидан бошқа ҳеч вақоси йўқ. Раис қурдирган уйларида бирини олиншим ҳоҳламабди. Ёши саксонларда эди, ушунда. На оиласи бор, на бирор фарзанди бор. Маҳалла одамлари галма-галдан хабар олиб туришаркан. Ушдан ўлимгиз кўчада қолмайди, деб шунларга ишониб, хотиржам яшайвераркан-у, ҳаётдан баъзан ўқисиниб, ўзича йиллаб-йиллаб хумордан чиқаркан. Букур чолни бундай аянчли ҳаётга ачинардик. Уш бекларнинг «жузлик» уругиданигини эшитганимизда ушунда ҳеч нарсига тушунмагандик. У эзда боққа қараса, бошқа пайталари эса Тошкент зорига чиқиб, бозорга ҳар таовардан келганларнинг уловларига қоровуллик қилиб ўтирокан. Унга термулик, рази солардик. Худди эрталабдаги сеҳри қолларга, донишмандларгами ўқшаб кетарди.

— Кеч тушмасдан бўлақолларинг, кетамиз энди, — дедилар дадам бизларга қараб.

— Пахта олма, жанани олма, шафтоллардан ҳам олакетиндик. Тортинманглар, — деб тайинлади қоровул.

Давам белларидида белбоғларидан бирини ечиб, ўзлари яқин кўрган шафтоллардан териб тутдилар. Биз ҳам йиғиб қўйган меваларимизни кўтариб, дадамизнинг орқаларидан юрдик. — Эшитдиларингиз-а, — дедилар дадам. — Бунга ҳаёт дейдилар. Ҳар ким қилган ниётига қура очғимиз, чучуғимиз кўраверарди. Қўрганларини, эшитганларини доим эслаб юрарингиз. Каттагон сабаб, ўша жойга кўчиб борганимизга ярим асрдан ҳам кўпроқ вақт бўлибди. Ушунда саккиз яшар бола эдим. Оилани саккиз жон эди. Уша букур чолнинг елғизлик ҳақидаги гапларини эсламан.

Махмуд АХМЕДОВ.

Ойижоним ёнида, Мен қанчалар бахтиёр.

Олам меҳри жонимда, Этар мени бахтга ёр.

Ниятлари эзгудир. Тилларида бир тилак, Омон бўлсин, дейдилар Гузал билан Муборак!

Тугилган кун совгага, Тўлиб кетар кучоғим. Эркалайдилар мудом, Саломат бўл, оппогим.

Керак эмас совгалар, Кўлларингиз гул, ойи, Меҳрингиз лим

тўлдирсин, Уйимизни ҳар доим. Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.



Мўштарий мактуби

БОР БЎЛ, ЎЗБЕК АЁЛИ!

Халқимизнинг ажойиб фазилатларидан бири — ҳар бир хайрли иш олдидан энг аввало юрта тинчлигини, осовийшалигини, эл-юрт ободлигини тилаб, дуога қўл очишидир. Дарҳақиқат, тинчлик бор жойда тараққиёт, ривожланиш ва юксалиш бўлади. Тўй-тантаналар ҳам хотиржам элга ярашади.

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги энг намунали маҳаллалардан бири «Уриқзор» Юртбошимизи И.А.Каримов ташаббуслари билан бунёд этилганга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларда зояга етмаган ёш авлод учун шароитлар яратиш мақсадида яхши ният-ла тамал тоши қўйилгандан бери, «Уриқзор» таниб бўлмас даражада эзгарингиз фарзандлари учун 3та мактабга, тарбия мажмаи, 2та мактаб, битта агропоякчилик коллежи бугунги кунда ёш авлоднинг маънавий баркамол, соғлом, етук инсонлар қилиб тарбиялашда бор имкониятлардан фойдаланмоқда.

Муस्ताқиллик туйғайи Ўзбекистоннинг ҳорига юз тутиши унинг мавқени янада оширди. Миллий қадриятларимизга, урф-одатларимизга, анъаналаримизга қизиқиш ҳорида ҳамон кучли. Шу боис Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан КХДРнинг «Корей аёллар иттифо-

қи» делегациясидан бир гурӯҳ аёлларнинг «Уриқзор»га ташрифи маҳалла аҳлининг, меҳмонларнинг ҳам бир умрлик ёрқин хотирасига айланди. Меҳмонлар шарқона руҳда қўрилган иморатларга катта қизиқиш билан боқдилар, замонавий услубда қад кўтарган мактабга тарбия муассасалари ва мактабларда бўлиб, уларда тарбияланаётган ёш авлод билан мулоқотда бўлидилар. Ўзбек хотин-қизларига кўрсатилаётган маданий-маиший, тиббий хизматлар, хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолликлари билан яқиндан танишдилар. Айниқса, тадбиркор аёл Феруза Йўлдошеванинг миллий либослари корейлик аёлларда катта қизиқиш уйғотди. Улар кўл меҳнати билан тайёрланадиган кўрпа-тўшаклар, кўрпачалар, келин-кувв либослари, салла, зарбоф тўнларни ҳайрат ва ҳавас билан томоша қилдилар.

— Бундай санъат фақатгина кенг юрак ва катта маҳорат эвазига яратилиши мумкин, — дейди корейлик Цой хоним, —

улар ҳақиқий санъат асарии сифатида хорижда ҳам тан олинган. Шу кунги корейлик меҳмонлар Жамолдин Ало-видиновлар хондонда бўлиб, хондон соҳиби фарзандларининг никоҳ тўйида иштирок этидилар. Келин-куввларга узларининг самимиий тиллақларини билдирдилар. Ўзбекининг тўй-тантанаси, меҳмондўстлиги, бағрикенглигига тасаннолар айтдилар. Ўзбек миллий чолуларидан карнай-сурнай, ноғора садоларига ҳамма қатори рақсга тушдилар. Шундай катта мавзеге бошчилик қилаётган «Уриқзор» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Раъно Қосимова ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Раъно Турсунқўзаевага ишларида муваффақиятлар тилаб, ўзбек аёли давлат ва жамоат ишларида ҳам удда-бурро эканлигини яна бир бор таъкидладилар.

Сайёра МУҲАММАДЖОНОВА, Салтанат ЖҲРАЕВА.

Қулгига нима етсин

ЗАРУР ЖОНИВОР

Эр ишдан келиши билан хотини гап бошлади: — Адави, магазинга Бельгиянинг пальтоси келибди, отпуская пудингизга озгина қўшиб, шунини олиб берсангиз.

Жавоб қутилмаган даражада бошқача бўлди: — Аёллар бир умр хайвонлардан миннатдор бўлиши керак!

— Нималар дейсан? Ишдан келишда анави «зор-мадангизни отиб» олган эдингизми?

— Зормангиз нимаси, мен сенга омади гапни айтияман. — Тушунтириброк гапиринг!

— Чиройли пальтонингиз қўй терисидан — бунинг учун қўй керак, курткангиз эчки терисидан — эчки керак, қалпоғингиз куён терисидан — куён керак, туфлингиз ситир терисидан — ситир керак, камарингиз илон терисидан — илон керак, сумкангиз тимсох терисидан — тимсох керак, яна шер, айиқ, бўри, тулки ва ҳоказолар керак!

— Ҳўш, нима бўлибди? — Хотинжон, маня шу нарсаларни олиб бериш учун битта эшак керак!

ҲАР КАЛЛАДА ҲАР ҲАЁЛ

Бобо, буви ва набира — учаласининг ҳам қулгои оғир эди. Бобо қўш эшикдаги курсида дам олиб ўтирса, ўтиб кетаётган маҳалла оқсоқоли гина қилди: — Ҳа, Эшматовий, йағирини билдан бери шу ўтиришингиз-ўтириш, тўйларга бормайсиз, бундоқ маҳаллага аралашмайсиз, чойхонага чиқиб, одамларга қўшилмайсиз, шунақа одамовимизсиз?

Бобо индамай тўнига ўралиб ҳовлига кирар экан, кўрпача қавиб ўтирган хотинига леги: — Мен умримда чойхонага чиққан эмасман. Маҳалла оқсоқоли бўлса, чойхонанинг ош ейдиган катта сопол лаганини синдириб қўйибсиз, пулини қачон тўлайсиз леги, тавба!

Буви кир ювиб ўтирган набирасини уришди: — Мошқўрда бир пас қайнасин десам, қулқок солмадинг. Бобонг пийшман овақат ичиб қорним оғриятгани, леги.

Кир ювиб ўтирган қиз йиғлай бошлади: — Намунача зурлайсизлар, мен сизларга эрта тегаман деяйманми? Убай ЯХҲЕВ.

ЎЗИНГИЗ АЙТДИНГИЗ

Подшоҳнинг меҳр қўйган чиройли ва келашган оти бор экан. Бу от шу қадар ақлли, фаҳм-фаросатли ва гузал эдики, бунданкини бирор умрида қўрмаган ва ашитмаган экан. Подшоҳ сайрга чиққанда, шу отни минар, отнинг юриши эса рақсга ташаббатдод жозибали экан. Овга чиққанда йўлқаллаган хайвонни, албатта, қувиб етар ва ҳеч қачон ўлжасиз қайтмас экан. Подшоҳ отбоқларига унга яхши қараш ва парварिश қилишни тайинлаб: «Кимки ҳузуримга» «отингиз ўлди» деб бурса, бошини танасидан жудо қиламан», — дедар экан. «Яган кўзга чўп тушар» деганларидек фавуқлодда от бир кунни ўлиб қолди. Отбоқлар саросимага тушиб чўқур қайғуга ботибдилар. Маъшум хабарни подшоҳга қандай қилиб етказишни билмай, бошлари қотибди. Бу вазифани бажаришни отбоқлар орасидан бир ёш йигит ўз зиммасига олибди. У подшоҳ ҳузурига келиб, таъзим билан сўз бошлади: — Шохим, бир воқеани сизга айтишимизга ижозат берсангиз. — Гапир! — Отингиз ем емаяпти. — Касофат, нега бундай бўлди? — Сув ҳам ичмаяпти. — Унга нега яхши қарамдиларингиз? — Уридан ҳам турмаяпти. — Кўларингиз қаерда эди? — Нафас ҳам олмапти. — Демак, ўлибди-да! — Бу гапни мен эмас, ўзингиз айтдингиз. Шундай қилиб, отбоқлар ўлимдан қутулиб қолган экан. Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

Ибратнома

НЕ ЧҲН СЕН ЖИМСАН...

Боеларга кириб, гуллар термоқчи бўлсам, япроқлар охишта шивирлайди. Дарҳол сенга қарайман. Аммо, негадир, жимсан. Кўча-кўйда юрганымда, кимдир ошкор, кимдир пинҳона кўзаларинга тикилиб ўзига мафтун эймоқчи бўлади. Мен бетарво, сен эса жимсан. Атрофимда ошиқлар кўп. Улар ҳар кунни мента даста-даста гуллар келтириб, ҳар соғина гулроналдилар. Негадир, сен жимсан. Мени чин дилдан севгунчилар бор. Ҳаётини мента бағишлаб, жонидан кечувчилар бор. Менинг бир оғиз розимини қутиб турганлар бисёр. Сен ҳамон жимсан. Мени ўзларига мажбуран итоат этирмоқчи истаган одамлар бор. «Киз боланинг севиши шарт эмас, йигит сева бас», — дедя қалта йўлаб юрганлар бор. Ҳар кунни кир бор севиб изхор этиб, аммо, розиман, деган сўзини эшитмоғли юрганлар бор. Сени? Сен ҳаминча жимсан!

Биламан, ҳар кунни мени кўрдингиз келди. Сухбатлашсан, иккимиз ҳам бор дунё ташвишларини унутамиз. Биламан, йўқ кунлари хаёлан мени излайсан, ҳол-аҳвол сўрайсан. Нималариндир шивирлаб, изхор этасан. Аммо юзма-юз келсан оҳ, жимсан. Тўри, сенсиз мен ҳам зериқман. Хаёлан излайман, ҳол-аҳвол сўрайман. Соғинаман, ҳатто хаёлан ҳаминча биргаман. Узингни кўраганда эса, жим қоламан. Уртимизда жарлик бор. Ундан сен мен томонга, мен сен томонга сира-сира утолмаймиз. Чўзсан, қўларимиз ҳам бир-бирида етмайди. Шунинг учун, биз ҳар ёндамиз. Биласанми, биз ўзини учун яшаётимиз. Бир-биримизни деб яшаётимизда эди, жарликдан ҳам, тоғликлардан ҳам қўрқман бўлар эдик. О, муҳаббат! Булчулар мураккабсан?! Илоҳийлигини шунчаликми?! СУРАЙЁ.

Қатра

сен томонга сира-сира утолмаймиз. Чўзсан, қўларимиз ҳам бир-бирида етмайди. Шунинг учун, биз ҳар ёндамиз. Биласанми, биз ўзини учун яшаётимиз. Бир-биримизни деб яшаётимизда эди, жарликдан ҳам, тоғликлардан ҳам қўрқман бўлар эдик. О, муҳаббат! Булчулар мураккабсан?! Илоҳийлигини шунчаликми?! СУРАЙЁ.


Акмал Икромов туманидаги «МУФАРАХ ОНА» хусусий фирмаси ТУГАТИЛАДИ. Даволар эълон чиққан кундан бошлаб бундан ўн давомиди 170-83-11 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси жамоаси вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходими Х.Ж. Пармоновга уқаси Юнус ПАРМОНОВнинг бавафт вафот аттестини муносабат билан чўқур тазийа изхор қилади.

Шу даврнинг биринчи ярмида ҳарорат кечалари 0-5 даража, кундуз кунлари 7-12 даража илиқ бўлади. Кейин ҳаво совиб, кечалари 0-5 даража совуқ, кундуз кунлари эса 1-6 даража илиқ бўлади.

БОШҚОТИРМА

ЭНИГА: 1. Ҳаётини ва руҳий хусусиятларининг умумийлиги асосида вужудга келган кишилар гуруҳи. 3. Бобур Мирзанинг фарзандларидан бири. 5. Халқроқ гротескпейтер, шахмат бўйича жаҳон чемпиони. 7. Миллий тасом. 8. Пахта тарихи чиққан ҳаширчи. 10. «Алломиш» — темир хотиннинг иختирочиси. 11. Тўқинлик, қаршилик қилувчи. 12. Меҳр-садоқат. 14. Тўқ хаворанг минерал. 18. Адолатли, беғараз киши. 19. Намозга чорловчи. 20. Кишини адаштирувчи бир-бирига ўқша йўл. 23. Европа давлатларида эркакларнинг тантанали кунлар қиядиган устки кийими. 25. Ёлғизлиқнинг модала. 26. Ёни келинга юз қўрада бериладиган совға. 28. Катта ордан ва медаллар нишондори. 31. Муайян миқдор. 32. Шахсни, мансабни тасдиқловчи ҳужжат. 33. Еруғ, ёрқин. 34. Екимли, дидрабо.



БҮЙИГА: 1. Маънавий ҳаётда қўлга киритилган кўтулар мажмуи. 2. Исқандар. 3. Оммавий сайёл. 4. Буҳородаги қадимги қалъа ҳаробаси. 5. «Авлия Себастьян». «Венеранинг туғилиши» қабри суратлар муаллифи. 6. Ўзбек телеминиатюрчиларининг устози, моҳир кизикчи. 9. Марварид, дур. 10. Фарбий Европадаги дарё. 11. Халқ таълими тизими. 13. Шақил бир сўзлар. 15. Ҳафтанинг муборак кун. 16. Мамун, хурсанд. 17. Объектив борлиқдаги микродир нисбий ва фазовий шакллари ургангидан фан. 21. Оқшоқ, тарикдан тайёрланадиган ўтир ичимлик. 22. Ғашлик, ҳасад. 24. Сийрак нуброқи сўз синоним. 26. Ярамос ишлар қилими. 27. «Кўк» хонлигининг қисқача тарихи асарининг муаллифи, шарқшунос олим. 29. Буюқ мутафаккир Алишер Навоий 1487-бундаги ҳақиқий қилган Эрондаги шахар. 30. Қўйма мелл бўмлар ясовчи уста. Тугатузи: Фаёз АБДУКАҲХОР ўғли.

20 НОЯБРДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ.

ЭНИГА: 1. Зайтун. 4. Устара. 7. Анд. 9. Рус. 10. Роллан. 11. Ода. 13. Тавқа. 14. Телбанамо. 16. Риштон. 18. Аросат. 20. Фаранг. 23. ОТС. 24. Имомат. 27. Романо. 28. Даврон. 30. Догматузли. 32. «Тоғиба». 33. Елкан. 34. Салдаб. 36. Рафиф. 37. Акдар. 39. Термано Араби. 42. Илмон. 45. Зоотехник. 48. «Адолат». 49. Лубор. 50. Азамат. 51. «Хамроқ». БҮЙИГА: 1. Заргар. 2. Йўлдош. 3. Нансен. 4. Устама. 5. Араҳис. 6. «Арарат». 8. До. 9. «Ра». 12. Диаметр. 14. Тоун. 15. Орму. 17. Иза. 19. Ада. 20. Фуқрат. 21. Рашика. 22. Густо. 24. Илдиэ. 25. Муртак. 26. Тавнин. 29. Танда. 30. Дибнастич. 31. Мешанлик. 34. Сивф. 35. Фожа. 38. «Артек». 40. Анкара. 41. Арсона. 43. Капкир. 44. Наврўз. 46. Октет. 47. Исплоҳ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Маълумлиқ: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва олмавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.